




Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 142 (12.203)

Баҳоси эркин нарҳда



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



XXX ёзги Олимпиада олдидан

ВАТАН ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — УЛКАН БАХТ

**Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок
этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари анъанага мувофиқ
мамлакатимиз бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи
пойига гул қўйдилар.**

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилган доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасида мамлакатимиз спортчилари жаҳон ареналарида юксак натижаларга эришмоқда.

Жорий йилнинг 27 июль — 12 август кунлари Лондон шаҳри мезбонлик қиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари 60 нафардан зиёд спортчимиз йўлланма олгани ҳам бунинг далилидир. Атлетларимиз Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, триатлон, велоспорт, сузмиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, бокс, дзюдо, тазквондо, эркин ва юнрон-рум кураши, теннис, қиличбозлик, ўқ отиш каби спорт турлари бўйича майдонга чиқадилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги Қарори ва ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган уч босқичли тайёргарлик дастури спортчиларимизнинг Олимпиадада пухта ҳозирлик қилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Спортчиларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш, тажриба ва маҳоратини ошириш, халқаро мусо-

бақаларга пухта тайёргарлик қўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Лондон Олимпиадасида иштирок этадиган спортчиларимиз орасида Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари ғолиби ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар билан бир қаторда ушбу мусобақада илк мартаба иштирок этадиган ёш иқтидор эгаларининг ҳам қўлиги Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир етук спортчилар авлоди тарбияланаётганидан далолат беради.

Олимпиада ўйинларида жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, мадҳиямизни янграйиш биз, спортчилар учун юксак шарафдир. Чунки, ўз тақдирини мана шу Ватан тақдири билан муштарак қўриш — шу юртнинг ҳар бир фарзанди учун катта бахт, — дейди бокс бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Аббос Атоев. — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш асосида халқаро майдонларда эришаётган барча ютуқларимиз истиқлол туфайли эканини яна бир бор чуқур ҳис этдик ва ушбу муваззам майдонда туриб Лондон Олимпиадасидан ёрғуз юз билан қайтишга қасамёд қилдик.

Делегация аъзолари пойтахтимиздаги Амир Темури ёёбони ва Алишер Навоий номидаги Миллий боғни ҳам зиёрат қилиб, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз — Соҳибқирон Амир Темури ва Алишер Навоий ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйдилар.

Байрам АЙТМУРДОВ,
Ўза мухбири

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН УЛКАН ИМКОНИАТЛАР ВА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил қўллаб-қувватланаётгани,
қулай шарт-шароит яратилаётгани ва кенг имтиёзлар берилаётгани самарасида
мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда.**

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни содда-

лаштириш ва уларнинг янада эркин фаолият юритишини таъминлашда навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ташкил этилган анжуманда мазкур фармон мазмун-моҳияти ва ижроси билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари

А.Усмонов мамлакатимизда бюрократик ғовларни бартараф қилиш, ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан таомиллаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

АБДУЛ АЗИЗ БИН ХАРУН: ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИгини ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН

**Мамлакатимиз мустақиллигининг
21 йиллиги арафасида Ўзбекистон
Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА
мухбири Малайзиянинг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдул
Азиз бин ХАРУН билан суҳбатлашди.**

— Элчи жаноблари, авваламбор, Ўзбекистонда янги давлат ва жамият асосларини қуриш, турли жабҳаларда, хусусан, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда амалга оширилган ислохотлар самаралари хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён мамлакатингизда ҳар томонлама тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатингиз раҳбарияти томонидан халқ фаровонлигини ошириш йўлида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларни тараққий эттиришга, таълим ва соғлиқни сақлаш каби йўналишларни жадал ривожлантиришга, хавфсизлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатингиз ҳаётидаги таҳсинга сазовор жиҳатлардан яна бири шуки, Ўзбекистонда қўлга киритилган юксак иқтисодий ўсишнинг самараларидан аҳолининг барча қатламлари баҳраманд бўлмоқда.

Изчил амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланмоқда. Ўзбекистоннинг муттасил ўсиб бораётган иқтисодий кўрсаткичлари, хусусан, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиши ўртача 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Жаҳонда давом этаётган глобал молиявий инқирозга қарамай, мамлакатингизда бундай юксак самараларга Ўзбекистон раҳбариятининг узоқни қўлаб юритаётган иқтисодий сиёсати ва амалга оширилаётган инқирозга қарши чоралар самарасида эришилмоқда.

Мен Ўзбекистонда сўнгги тўрт йил ичида рўй берган иқтисодий ўзгаришларнинг бевосита гувоҳиман. Тошкент ва умуман Ўзбекистон кўчаларида автомобиллар сони бир неча баробар кўпайди, бу мамлакатингиз аҳолисининг турмуш даражаси муттасил юксалиб бораётганидан далолатдир. Нафақат пойтахтингизда, балки Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида янги-янги корхоналар, спорт иншоотлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, ресторанлар очилмоқда. Бу улкан янгиланишлар ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти юксак суръатларда тараққий этаётганига ва халқ манфаатларига хизмат қиладиганига ёрқин мисоллардир.

Шуни ишонч билан айтманки, доимий равишда тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш, ички инвестициялардан оқилона ва самарали фойдаланиш натижасида Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш борасида ўз олдида қўйган мақсадлар йўлида бундан кейин ҳам улкан ютуқларга эришади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохотлар халқ фаровонлигини янада юксалтиришга ва ёшларнинг ўзбекистонлари қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан кўпрогини ташкил этувчи ёшлар келгусида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кучига айланиши шубҳасиз.

— Ўзбекистонда миллий кадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, халқ маънавиятини юксалтириш, ёшларни халқимизнинг миллий мероси ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида нима дея оласиз?

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг «Uzbekistan Agrominotech Expo — 2012» VII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари» мавзuida анжуман ўтказилди.

● Шўрчи туманидаги «Вали Абдурахмон» хусусий корхонасида ошхона ва идора мебеллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа рўёби учун 60 миллион сўм сарфланди. Эндиликда жамоа маҳсулотлар сифатини яхшилаб, уларни экспортга чиқаришга тараддуд қўрмоқда.

● Қўшқўпир туманидаги Ўзбекёп қишлоғида паррандачиликка ихтисослаштирилган «Райсланд моторс» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. 500 миллион сўм эвазига рўёбга чиқарилган ушбу лойиҳа туфайли 22 кишининг доимий бандлиги таъминланди.

● Қизилтепа туманида фаолият юритаётган «Халол меҳнат — нурли келажак» масъулияти чекланган жамиятида йилига 5 миллион дона пишиқ гишт тайёрлаш қувватига эга янги лойиҳа амалга оширилди. Тез орада бу ерда темир-бетон ашёлари ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

ЖАҲОНДА

● Лондонда 2012 йилги ёзги Олимпиадада бағишлаб қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларнинг навбатдаги серияси ишлаб чиқарилди. Олтиндан тайёрланган энг катта танганинг оғирлиги бир килограммдан иборат. Хабарларга қараганда, машҳур инглиз ҳайкалтароши Энтони Каро томонидан лойиҳалаштирилган ушбу танга юз минг фунт стерлинга баҳоланмоқда. Унинг бир томонида бокс қўлқоплари, штанга ва футбол тўпи тасвирланган. Иккинчи томонида эса Буюк Британия Қироличаси Елизавета иккинчининг тасвири туширилган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, қиролликда «Олимпиада — 2012» рамзлари тасвирланган жами 87 миллион дона танга ишлаб чиқарилган.

● Англиялик олимлар олиб борган тадқиқот натижасида қуёшдан муҳофазаловчи арзон ва сифатсиз қўзойнаклар соғлиққа салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Маълумотларга кўра, бундай қўзойнакларнинг линзалари остида нур бир хилда ўтмайди, улар ультрабинафша нурларидан ҳам ҳимоя қила олмайди. Бундай ҳолат кўриш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиб, астигматизм хасталигига олиб келиши мумкин.

● Калифорниялик олимлар роботлаштирилган қўл ишлаб чиқардилар. РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, унинг бармоқлари турли объекتلарни сезиш имконига эга. Предметларни аниқлаши учун унга минглаб микродатчиклар ўрнатилган. Қурилма нафақат буюмларни бир-биридан фарқлайди, балки уларнинг шаклини ҳам айтиб бера олади. Мутахассисларнинг айтишича, юмшоқ ва эгиловчан маҳсус сунъий теридан тайёрланган ушбу механик бармоқлар объектнинг ҳароратини ҳам аниқлаши мумкин. Ушбу янги ускунадан соғлиқни сақлаш, қурилиш ва ахборот технологиялари соҳаларида фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ёзги дам олиш мавсумида чўмилиш ва овқатдан заҳарланиш билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва

Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши» ҳодимлари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳамда дам олдириш ишларининг сифати ва самарадорлигини оширишга тизимли ёндашув на-

тижалари» мавзuida навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтади.

✓ **БУГУН** «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши қошида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» тўғрақларида очик дарслар ташкил этилди.

Савдога қўйидаги қўчасм мулклар такроран қўйил-
моқда: 1. Ўртачирчиқ СИБ томонидан 09.12.2011 й. № 11-10785-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилоя-
ти, Ўртачирчиқ тумани, Тўябўғиз қўрғони К. Н. Низоё-
ва қўчаси, 13-уйда жойлашган яшаш уй жойи. Бошланғич
баҳоси 55 000 000 сўм. 2. Бекобод шаҳар СИБ томо-
нидан 14.11.2011 й. № 361-сонли ижро варақасига
асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 3-даха, 1-уй
1-қаватига жойлашган 79-сонли савдо дўкони. Бош-
ланғич баҳоси 85 437 000 сўм. Аукцион савдоси 2012
йил 6 август куни савдо 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога
қўйидаги қўчасм мулк қўйилмоқда: 1. Қийраб СИБ то-
монидан 30.01.2012 й. № 11-1130/23367-сонли ижро
варақасига асосан Тошкент шаҳри, Ўнсувобод тумани
Боғишамол қўчаси, 22-«а» уйда жойлашган «УВМ» х/к
қўчаси савдо дўкони. Бошланғич баҳоси 1487 70 000
сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 21 август куни савдо
11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 21
август куни савдода сотилмаган тақдирда, маъзур мулк-
ни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 5 сен-
тябрь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога
қўйилган қўчасм мулклар билан сўд департаменти ва-
қили иштирокчи бевосита жойига чиқиб танишиш мум-
кин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талаб-
горлардан аризалар расмий йил кунлари савдо 10:00
дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача
тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунид-
дан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода катнашиш
истагидagi талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10
процентдан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини
«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар
«Ипотека банк» АТМБШ Шайхонтоҳур филиалига қўйида-
ги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049
3605 0002, МФО: 00425, СЎЛР: 207125885. Манзил
Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипа-
йўли қўчаси, 184 - уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76
Лицензия: RR-0052

